



1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

Fidoyilik — Vatanga xizmat demak!

2022-yil 7-iyul, payshanba, 78 (23.645)-son

КУН ҲИКМАТИ

Устознинг вазифаси шоғирд хатосини топиш эмас, уни хато қилмасликка ўргатишидир

# “Янги Ўзбекистон — инсон қадри улуғланган юрт!”



**28 июнь – 6 июль кунлари вилоятимизда шу шир остида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди.**

ёшларнинг маънавий дунёсини бойитиш, одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилишни ўргатишга қаратилган “Зуко болажон!” фотоальбому тақдимоти ўтказилди.

– Таниқли санъаткорлар Қўшработ туманига келиб, тадбир ўтказиши мени жуда хурсанд қилди, – дейди Нилуфар Турсунова. – Бундай маданий тадбирлар тез-тез ташкил қилинса, қишлоқда яшовчилар ҳам маданий ҳордиқ олади.

Маданий тадбирлар доирасида вилоятимиз бўйлаб “Кинокарвон” акцияси ҳам ўтказилди. 5 июль куни Регистон майдонида киноижодкорлар билан ижодий учрашувлар, фильмлар тақдими ва намоиши ўтказилди.

Унда 101 нафар ўзбек аскари жасоратига бағишланган “Матонат” ҳужжатли фильми ижодкорлари тақдирланди. Шунингдек, буюк саркарда, Самарқанд фарзанди Баҳодир Ялангтўш ҳақидаги “Баҳодир Ялангтўш” бадиий фильмининг тайёргарлик жараёни тўғрисида маълумот берилди. Учрашув сўнггида “101-рейс” бадиий фильми намоиш этилди.

Кеча Самарқанд шаҳридаги “Мўъжиза” амфитеатрида ушбу маданий-маърифий тадбирларнинг якуний гала-концерти бўлиб ўтди.

Президент наслахатчининг ўринбосари Нодир Холбўтаев ва вилоят ҳокимининг ўринбосари Хуршид Очилов тадбирларда фаол қатнашган адабиёт, маданият ва санъат намоёндаларига миннатдорлик билдирди.

Тадбирда она юрт мадҳи ҳамда тинчликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар ижро этилди.

Қарийб ўн кун давомида пойтахтдан келган 200 га яқин маданият, санъат намоёндалари, шоир ва ёзувчилар, маънавият тарғибчилари иштирокида вилоятимизнинг шаҳару қишлоқларида 300 дан зиёд концерт дастурлари, театрлаштирилган томошалар, ижодий учрашувлар, миллий кинофильмлар намоиши ташкил этилди.

– Ушбу тадбирлардан қўзланган мақсад юртдошларимиз, аввало, ёшлар қалбида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ҳамда ватанпарварлик туйғуларини кучайтириш, маҳаллаларда аҳоли кайфиятини кўтариш, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишдир, – дейди Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори Салоҳиддин Азизбоев. – Аҳоли билан учрашувларда ўзимиз ҳам юртимизда инсон қадрини улуғлаш йўлида олиб борилаётган ислохотлар олис қишлоқларда ҳам ўз ифодасини топаётганига гувоҳ бўлдик.

Тадбирлар доирасида “Ўзбекистон Қаҳрамонлари” китоби тақдими ўтказилди. Юрт равнақи учун хизмат қилган аждодларимиз авлодлар учун ҳамшахс катта ибрат бўлиб келган. Шу боис ҳам бу каби учрашувлар ёш авлод қалбида илмга иштиёқ, ислохотларга дахлдорлик ҳисини оширишга сабаб бўлиши, шубҳасиз. Мактабгача таълим ташкилотларида

**Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатларнинг қишлоқ хўжалиги вазирлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири Жамшид Ходжаев ҳамроҳлигида Самарқандга ташриф бурди.**

Самарқанд темирйўл вокзалида Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатларнинг қишлоқ хўжалиги вазирлари – Инам Каримов (Озарбайжон), Ербол Қарашукеев (Қозоғистон), Аскарбек Жанибеков (Қирғиз Республикаси), Вахит Киришчи (Туркия) ни вилоят ҳокими Э.Турдимов кутиб олди. Шу ернинг ўзига вилоят ҳокимининг меҳмонлар билан қисқа учрашуви ўтказилди.

Учрашувда Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик алоқалари ривожланиб бораётганига қайд этилди. Қишлоқ хўжалигидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида ўтказилаётган тадбирлар соҳада улкан имкониятларни очиши таъкидланди.

Шунингдек, меҳмонларга Самарқанд вилоятининг мамлакат қишлоқ хўжалиги соҳасида тугган ўрни, салоҳияти ҳақида маълумот берилди.

Ўз навбатида, меҳмонлар салимий қабул учун миннатдорлик билдириб, нафақат тарихийлиги ва

# Туркий давлатлар вазирлари Самарқандда

Ташриф

бой маданий мероси, балки улкан иқтисодий салоҳияти билан дунёга машҳур Самарқандда бўлиб турганликларидан мамнун эканлигини билдиришди.

– Биз Туркий давлатлар ташкилоти ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг қишлоқ хўжалиги вазирларининг Тошкентда ўтаётган тадбирларида иштирок этиб, Ўзбекистон, жаҳон тарихида маданий алоқалар, савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳаларида ўзига хос марказ бўлган қадим Самарқанд шаҳри билан танишганимиздан мамнунмиз, – деди Озарбайжон қишлоқ хўжалиги вазири Инам Каримов. – Биз тарихий обидалар, азиз қадамжоларда бўлиб, ўзбек халқининг бой маданий мероси, дунё илм-маърифатига улкан ҳисса қўшган алломалар яшаган, мангу кўним топган масканларда бўлиб, уларнинг



ҳаёти, фаолияти ҳақида шу пайтгача эшитмаган, билмаган маълумотларга эга бўлдик. Умуман, бу муборак заминда бўлиб турганимиз бизга ўзгача руҳ берди. Уйлайманки, ўзаро ҳамкорлик борасида бошланган янги босқичдаги ишларимиз албатта, ўз самарасини бериб, бирдамликдаги лойиҳаларимиз давлатларимизнинг ҳар томонлама

тараққиётига хизмат қилади. Меҳмонлар учрашувдан сўнг Амир Темур мақбараси, Регистон майдони, Имом Мотуридий, Шоҳи Зинда, Мирзо Улуғбек, Маҳдуми Аъзам мажмуалари, “Конигил” туризм қишлоғи каби маданий мерос объектлари, азиз қадамжоларни зиёрат қилишди. **Алишер ИСРОИЛОВ.**

Хирмонга барака!

**Жорий йилда вилоятимизнинг 13 та туманидаги 4650 фермер хўжалиги томонидан 94 минг 130 гектар майдонда етиштирилган бошоқли дон ҳосилини ўриб-ийғиб олиш ишлари давом этмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, ғалла ўрим-ийғим ишларига бириктирилган 274 та комбайн ёрдамида 755 минг 337 тонна ҳосилни йиғиштириб олиш режалаштирилган.**

## Вилоятимизда ғалла ҳосилдорлиги ўртача 71 центнердан ошди

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 30 майдаги “2022 йил ҳосилдорлик бўғдойни харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, вилоятимизда жорий йилда сўғориладиган майдонлардан жами 265 минг тонна ғалла жамғарилади. Шундан 235,6 минг тоннаси давлат захираси учун товар бўғдой (184 минг тоннаси давлат ресурслари учун, 51,6 минг тоннаси вақтинча сақлаш учун) ҳамда 29,4 минг тоннаси уруғлик бўғдой ҳисобланади.

2022 йилнинг 6 июлигача вилоят бўйича жами 68 минг гектар ғалла майдонидан 484,2 минг тоннадан ортиқ дон йиғиштириб олинди ва ҳосилдорлик ўртача 71,1 центнерни ташкил қилмоқда.

Шундан давлат ресурслари учун топширилган дон 174,6 минг тонна ҳамда биржа савдоларида чиқариш учун вақтинча сақлашга 39,8 минг тонна дон қабул қилинди.



Фермер хўжаликлари ҳамда ғаллачилик кластер корхоналари томонидан дон корхоналарига тўғридан-тўғри шартнома асосида топширилаётган ғалланинг 97,5 фоизи давлат захирасига ва 49,4 фоизи уруғлик учун қабул қилинмоқда. Президентимизнинг 2021 йил 15 ноябрдаги “Ғалла етиштириш ва сотишда эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан ғаллачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари ҳар гектар сўғориладиган майдондан ўртача 2,5 тоннадан донни эркин биржа савдоларида, қолган қисмини тўғридан-тўғри шартномалар асосида эркин сотиш имконияти яратилган.

### Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ҚАРОРИ

## Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги VI-53-126-7-0-К/21-сонли “Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетининг 2021 йилдаги қутилаётган ижроси ҳамда 2022 йилги маҳаллий бюджетнинг белгиланган асосий параметрлари тўғрисида”ги қарорининг 3-иловасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 27 ва 147-моддаларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида жорий йил 29 апрель куни Самарқанд шаҳрида жамоат транспортини ривожлантириш чора-тадбирларига бағишланган тақдирот давомида берилган топшириқлар бўйича тасдиқланган 41-сонли баёни ҳамда бу борадаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 2 июндаги 06/15-32/1907-сонли хати ҳамда вилоят ҳокимлигининг 2022 йил 16 июндаги 03-03/191-сонли йиғилиш баёнини инобатга олиб, халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши олтинчи чақириқ олтинчи сессияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 2022 йилги вилоят маҳаллий бюджетининг ижроси бўйича бюджет харажатлари миқдорининг умумий мутаносиблигини сақлаган ҳолда, халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги VI-53-126-7-0-К/21-сонли “Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетининг 2021 йилдаги қутилаётган ижроси ҳамда 2022 йилги маҳаллий бюджетнинг белгиланган асосий параметрлари тўғрисида”ги қарорининг 3-иловаси 13, 31-бандларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Вилоят молия бош бошқармаси (Б.Мирзаев) вилоят маҳаллий бюджетининг 2022 йилги харажатлар режасига тегишли ўзгартириш киритсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ф.Насруллаев) ва вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Ўроқов) зиммасига юклансин.

Кенгаш раиси **Э.ТУРДИМОВ**

2022 йил 1 июль VI-66-144-7-0-К/22

### Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2022 йил 1 июлдаги VI-66-144-7-0-К/22-сонли қарорига ИЛОВА

## Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги VI-53-126-7-0-К/21-сонли “Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетининг 2021 йилдаги қутилаётган ижроси ҳамда 2022 йилги маҳаллий бюджетнинг белгиланган асосий параметрлари тўғрисида”ги қарорининг 3-иловасига ўзгартиришлар киритиш бўйича ҲИСОБ-КИТОБ

Т/р	Худудий бюджет маблағлари тақсимловчилари номи	Кенгаш қарорининг ўзгартириш киритиладиган бандлари	Жами сумма	Шу жумладан, чораклар бўйича		
				2-чорак	3-чорак	4-чорак
1	Вилоят ҳокимлиги	31-банд	-1000000	-146533	-353467	-500000
2	Вилоят транспорт бошқармаси	13-банд	1000000	146533	353467	500000
<b>Жами</b>			<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>

(Қарор матни ва иловаси билан вилоят ҳокимлигининг Samarkand.uz расмий веб-сайти орқали ҳам танишишингиз мумкин).

## Нукусда тадбиркорлик қиламан



Мажидхон ИСЛОМОВ, Урғут туманидаги “Urgut sanoat servis” оилавий корхонаси раҳбари:

– 1 июль куни Нукус шаҳрида ноқонуний намоишлар уюштирилган ҳақида ижтимоий тармоқлардан ўқиб қолдим. Бузғунчи гуруҳлар ва провокаторлар йиғилган фуқаролар билан аралашиб, маъмурий бинолар мажмуасидаги давлат муассасаларини эгаллаб олишга урингани ҳунук ҳолат.

Ақли-ҳуши жойида одам бу ишлар ортида Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқаришга уринилаётганини англайди.

Бу жараёнларга билиб-билмай аралашиб қолаётган тенгдошларимни провокацион тўқиллар, бузуқ ниятли кимсаларнинг ҳаракатларидан огоҳ бўлишга, уларнинг нишонига айлана қолмасликка чақираман.

Кейинги йилларда Қорақалпоғистонда қанча ўзгаришлар бўлганига ҳаммаимиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу ҳақда Президентимиз Шавкат Мирзиёев яқинда Тошкентдаги “Янги Ўзбекистон” боғида Ёшлар кунига бағишлаб ўтказилган тантанاداги нутқидида алоҳида таъкидлади: “Қорақалпоғистонни ривожлантириш стратегиясини қабул қилганимиз, ҳар бир овулни ривожлантириш учун алоҳида маблағ ажратганимиз. Беш йил олдин Мўйноқ ва Бўзатов қанақа эди? Ҳозир Бўзатов ёшлари билан учрашдим, қўшиқ айтдим. Бўзатов Ўзбекистоннинг маданий ўчоғи, маданий маркази бўлди. Танти қорақалпоқ халқини юрагимдан эъзозлайман”.

Шу билан бирга, “Ғурур билан айтаманки, мен нафақат ўзбек халқининг, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзандиман, деб яна бир марта тақдорламоқчиман”, деди.

Давлатимиз раҳбарининг бу эътирофларини сўз билан ифодалаш қийин. Унга муносиб бўлиш керак.

Мен ёш тадбиркор сифатида қорақалпоғистонлик тенгдошларимга қўлимдан келган ёрдами беришга бел боғлаганман. Бугунги кунда корхонамизда 55 нафар ёшлар ишлайди, эркаклар кийими ишлаб чиқариш билан шуғулланамиз. Шу билан бирга, яқинда Нукус туманида “URGUTINI AKMANGIT TEXTILE” корхонасини ташкил этдим. Мақсадим – тенгдошларимга янада кўпроқ иш ўрни яратиш, улар билан бирга сифатли маҳсулотлар етиштириш.

# Кластерлаш жараёнидаги нуқсонлар

Улар бартараф этилсагина, иқтисодий барқарорликка эришамиз

Иқтисодий таҳлиллар шундан далолат берадики, бир гектар суғориладиган ердан катта даромадни помидор экиш ҳисобига олиш мумкин экан. Бунинг учун деҳқон уруғлик сотиб олиш, кўчат тайёрлаш, кимёвий ўғитлар, техника, ёқилғи, электр энергиясига тахминан 15 миллион сўм сарфлайди. 45-50 мингта кўчат қўл билан экилади ва бунинг учун иш ҳақи сифатида 6 миллион сўм сарфланади. Дейлик, маҳсулот тайёр бўлгандан кейин теримга четдан ёлланадиган ишчиларга 6 миллион сўм тўлайди. Тижорат банкининг 25 миллион сўмлик кредити учун камида 5 миллион сўм фойз тўлашига тўғри келади. Ер солигини қўшсак, бир гектарга амалга ошириладиган жами ишлаб чиқариш харажатлари 35 миллион сўмга тушади.



маркетинг хизматлари ага. Узоқ йиллар давомида жаҳон бозоридида шакланган бозор муносабатлари мошлага олмасдан келаётганимиз ҳеч кимга сир эмас. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, компанияларимиз рақобатбардошлик нуқтаи назаридан Туркия, Хитой, Бангладеш, Вьетнам каби мамлакатлардан орқада қолиб кетган ва кластерлаш тизимига ўтганимиздан кейин ҳам

## АДВОКАТУРА фаолияти рақамлаштирилади

Ҳужжатга мувофиқ, 2023 йилнинг 1 январидан адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун лицензия бериш талабдор томонидан малака имтиҳонини топширишнинг амалдаги тартиби сақланган ҳолда "Лицензия" ахборот тизими орқали амалга оширилиши белгиланди. Бу тадбир малака имтиҳонини муваффақиятли топширган талабдорнинг адвокатлик лицензиясини олиш учун тегишли адлия органига мурожаат қилишига ҳолат қолдирмайди. Яъни, у тегишли ҳужжатни истаган вақтида "Лицензия" ахборот тизими орқали олиши мумкин бўлади. Албатта, лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилган ёки тугатилган ҳолатлар ҳам мазкур ахборот тизимида қайд этиб борилади.

Шунингдек, қарор билан 2023 йилдан бошлаб адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш ЯИДХП орқали амалга оширилиши белгиланди. Бунда адвокатлар малака имтиҳонини топшириш, лицензия олиш ва адвокатлик бюросини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича хизматларни композит шаклда олиш мумкин бўлади.

Соҳани рақамлаштиришдаги яна бир катта лойиҳа Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган "Юридик ёрдам" ахборот тизими ҳисобланади. 2023 йилнинг 1 январь санасидан ишга туширилиши белгиланган мазкур тизим доирасида адвокатлар электрон реестр ва шахсий электрон кабинети шакллантирилади. Натижада улар шахсий электрон кабинети орқали жисмоний ва юридик шахслар билан онлайн мулоқот қилиши, электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда ишонч билдирувчи шахс хоҳишига асосан, масофадан юридик ёрдам кўрсатиши мумкин бўлади. Шу билан бирга, ягона тизим адвокатура, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари ўртасида электрон ҳужжатлар алмашинуви йўлга қўйиш, адвокат сўрови ва бошқа зурур ҳужжатларни электрон шаклда юбориш имконини беради. Тизим фаолиятини бошласа, давлат ҳисобидан ишга жалб этиладиган адвокатлар ҳам электрон тартибда, тасодифий танлаш йўли билан аниқланади.

Қарорга кўра, 2023 йилнинг 1 февралдан "Электрон адвокатлик ордери" амалиёти йўлга қўйилади. Уз навбатида, адвокат сўрови шаклига қўйилган талаблар, шу жумладан, унга ордернинг кўчирма нусхасини илова қилиш, ордерни қайд этиш дафтари юритиш сингари талаблар бекор қилинади. Ордер қўғоз шаклда расмийлаштирилган тақдирда, маълумотларни "Юридик ёрдам" ахборот тизимига киритиш мажбурий бўлади.

Т.ҚОДИРОВ, Адвокатлар палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи.

## Бир рақам шарҳи

Вилоятимизда фаолият юритаётган маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг 336 нафари ўқитувчи, 298 нафари иқтисодчи ва муҳандис, 92 нафари агроном, 69 нафари ҳуқуқшунос, 13 нафари шифокор ҳамда 318 нафари бошқа касб эгалари.

## Пресс-тур

# Давлат хизматлари марказида хизматлар сони ортапти

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказида 2021 йил ноябрь ойдан буён 10 мингдан ортиқ фуқарога ҳайдовчилик гувоҳномаси янги намунадагисига алмаштириб берилган. Бу ҳақда марказда ташкил этилган пресс-турда маълумот берилди.



Ҳайдовчилик гувоҳномасини янги намунадагисига алмаштириш учун фуқаролар паспортнинг асл нусхаси, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва талоннинг асл нусхаси керак бўлади, - дейди марказ бош мутахассиси Хусан Туробов. - Маълумки, ҳайдовчилик гувоҳномаларини алмаштириш мuddати 2023 йилнинг охиригача деб белгиланди. Ҳозирда гувоҳномани алмаштиришда йиллар кесимида ҳеч қандай чеклов йўқ. Фуқаролар уни ўз хоҳиши билан алмаштириш олишлари мумкин. Аммо бу бепарво бўлиб, келаси йилнинг охиригача қўлиб ўтириш керак, дегани кўп.

Эски ҳайдовчилик гувоҳномаларининг 2010 йилгача берилганлари - 2023 йил 31 мартгача, 2010-2012 йилларда берилганлари - 30 июнгача, 2013-2015 йилларда берилганлари - 30 сентябргача, 2015 йилдан кейин берилганлари - 2023 йил 31 декабргача бўлган мuddатларда янгисига мажбурий алмаштирилади.

Шунингдек, давлат хизматлари марказида фуқароларга ID-карта ва хорижга чиқиш биометрик паспорти берилляпти. - Бир кунда марказимизга ўртача 30-40 нафар фуқародан мурожаатлар бўлади, - дейди марказ бош мутахассиси Ҳазратжон Мелиқулов. - Шу кунгача фуқаролардан 3 мингга яқин ариза тушган бўлса, 2700 нафарига паспорт берилди. Янги паспорт 10 иш кунда тайёр бўлади.

Ички ишлар вазирлиги тизимидаги "Топилмалар столи" фаолияти тугатилиб, 2022

йил 1 мартдан туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари томонидан йўқолган ва топиб олинган ашёларни қабул қилиш, сақлаш ва эгаларига қайтариш ёки тегишли давлат ташкилотларига топшириш бўйича давлат хизматлари кўрсатила бошлади. Бунда йўқолган ашёларни топши бўйича жисмоний шахслар ёки юридик шахсларнинг вакиллари марказга шахсан келиб ёки ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилади.

Топиб олинган ашёлар марказда 6 ой давомида сақланади. Агар бу вақт ичида топилмани олишга ҳақли бўлган шахс аниқланмаса, ашёни топиб олган шахсга унинг ашёга нисбатан мулк ҳуқуқи вужудга келганлиги тўғрисида хабар берилади. Ашёни топиб олган шахс уни қабул қилиб олишни рад этган тақдирда, ашё давлат мулкига ўтади ҳамда 3 иш кунда "E-auction" савдо майдончасида электрон аукционга қўйилади.

2021 йилнинг 1 октябрдан фуқароларга юридик хизматлар кўрсатиш мақсадида мазкур бинодо юридик хизмат кўрсатиш маркази фаолият бошлади.

Марказ томонидан туман ва шаҳарлар миқёсида турли ташкилотларда ҳужжатлар юритилиши тизимлаштирилляпти, - дейди Самарқанд шаҳар юридик хизмат кўрсатиш маркази раҳбари Санжар Чўлиев. - Ҳозирда туман молия бўлими, халқ таълими, тиббиёт бирлашмалари, мактабгача таълим каби 12 та кўйи бўғиндаги ташкилотларга юридик хизматлар кўрсатиляпти. Тизимда ҳужжатлар электрон ҳаракатланади ва уч иш кунда қўриб чиқилади. Босқичма-босқич барча кўйи ташкилотлар юридик хизматлари камраб олинади.

Сулаймон МАРДИЕВ.

# Жамоат эҳтиёжлари учун олинган ерга қўшимча тўлов тўланади

Президент томонидан жорий йил 29 июнда имзоланган "Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Қонунга асосан, ер участкаси олиб қўйилса, мулк эгасига ноқулайликлар учун кўчмас мулк қийматининг 5 фоизи миқдорда қўшимча тўлов тўланади.

Қонунга кўра, ер участкаси олиб қўйилишида қуйидагилар компенсация қилинади: - олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулкнинг бозор қиймати; - олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати (бундан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга бўлган ижара ҳуқуқи мустасно); - олиб қўйилган ер участ-

касида жойлашган кўп йиллик дов-дархатларнинг бозор қиймати; - қўчиш, шу жумладан, бошқа кўчмас мулкни вақтинчалик ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар; - ер участкасидан ва унда жойлашган кўчмас мулкдан фойдаланишдан олиниши мумкин бўлган бой берилган фойда (бунда ер участкаси ва

унда жойлашган кўчмас мулк бўшатиб қўйилган пайдан эътиборан аввалги фаолиятни тиклашгача бўлган, бироқ 1 йилдан ортиқ бўлмаган муддатдаги фойда ёки мавсумий ҳосилдан олиниши мумкин бўлган фойда ҳисобга олинади);

- ҳуқуқ эгасининг қонунчиликда ёки келишувда назарда тутилган бошқа харажатлари ва зарарлари.

Ер участкаси олиб қўйилганлиги муносабати билан ҳуқуқ эгасига ноқулайликлар келтириб чиқарилганлиги учун компенсация сифатида ер участкасида жойлашган кўчмас мулк бозор қийматининг 5 фоизи миқдорда бир марта-

## Қонунга кўра

лик тўлов амалга оширилади. - Қонунчиликка мувофиқ, ҳуқуқ эгасига тегишли бўлган, олиб қўйилган ерда ўзбошимчилик билан қурилган тураржойлар (яшаш учун мўлжалланмаган жойлар), ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари ҳамда бошқа бинолар ва иншоотлар мавжуд бўлган тақдирда, уларнинг бозор қиймати ҳам тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Шунингдек, тураржойга нисбатан ҳуқуқни белгилувчи ҳужжатлари мавжуд бўлмаган, ушбу тураржойга 15 йил (эгаллик қилиш ҳуқуқини тугитилган бошқа ҳужжат) мобайнида худди ўз мулкидек ҳалол, ошқора ва уз-луқсиз эгаллик қилган шахсларга, ушбу кўчмас мулк объектлари учун солиқлар тўлаб келинганлиги тасдиқланган тақдирда, мазкур кўчмас мулк объектлари қийматининг ўрни қопланади.

# Иштихондаги корхона бешта давлатга ип-калава экспорт қилмоқда

Туманнинг Сафохўжа маҳалласида жойлашган "Maroqand sifat textile" масъулияти чекланган жамияти пахта хомашёсини қайта ишлаб, ип-калава маҳсулотларини экспорт қилиб келмоқда. Бугунги кунда корхонада 500 нафардан ортиқ ишчи фаолият юритади.



- 2019 йилда иш бошлаганимиз, - дейди "Maroqand sifat textile" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шерали Ҳусанов. - Корхонамиз йилига 12 минг тонна ип-калава ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, ўтган йили Германия, Польша, Туркия, Бангладеш ва Хитой давлатларига 12,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилдик. Бу йил ушбу кўрсаткични 14 миллион долларга етказиш режалаштирилган бўлиб, шу йилнинг январь-июль ойларида 7,631 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Йил якунигача фаолиятни кенгайтириб, қўшимча 50 га яқин иш ўрни яратамиз.

Ф.ЎЗИБОВЕВ.

**Хар сафар таълим берган устозларимни хотирласам, албатта, ёдимга Леокадия Зелинская тушади. Бу бежиз эмас. Чунки ҳаётда дуч келган мураккаб синовларни у кишидан олган сабоқларим ёрдамида енгиб ўтганман.**

Леокадия Юриевна Зелинская 1924 йилнинг 20 августда Беларусь Республикаси Бобруйск шаҳрида туғилган. Отаси Кемасозлик институтда техник, онаси эса бошланғич мактаб ўқитувчиси бўлган. 1928 йилда ота-онаси билан Украинанинг Николаев шаҳрига кўчиб келган ва шу ерда 17-мактабнинг 9-синфини тугатган.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиб, фашистлар Николаев шаҳрини эгаллаб олган, Зелинскийлар оиласи ҳам душман назоратида қолиб кетди.

## Фидойи ва талабчан устоз эди...

1944 йилда шаҳар босқинчилардан озод қилинган, Леокадия кемасозлик устахонасида меҳнат қилган. Шаҳар фашистлардан озод қилингандан сўнг уруш охиригача алоҳида кўнгиллилар батальонидида хизмат қилди.

Л.Зелинская 1949 йилда Герцен номидаги Ленинград давлат институтининг роман тиллари факультетига ўқишга кириди. 1953 йилда ўқишни тамомлаб, йўлланма билан Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги 2-ўрта мактабда француз тили ўқитувчиси сифатида ишга юборилди. Уч йил ишлаб, Самарқанд тиббиёт институтидида француз ва лотин тилларидан талабаларга сабоқ берди.

1962 йилда Симферополь шаҳрига кетиб, Крим тиббиёт институтидида дарс бера бошлади. Бир йилдан зиёд ишлаб, яна Самарқандга қайтиб, тиббиёт институтидида катта ўқитувчи бўлиб меҳнат қилди.

Леокадия Зелинская меҳнатсевар, интизомли, тажрибали ўқитувчи эди. Чет тилларини ўқитиш методикасини яхши биларди. Лотин тили бўлимида ўқитиш усуллари бўйича мунтазам тарзда маърузалар ўқиган. У тарбиявий ишлар бўйича гуруҳ раҳбари сифатида ҳам муваффақиятли фаолият юритиб, мунтазам равишда педагогик малакасини ошириб келган.

Л.Зелинская нафақат институт

жамоаси, балки талабалар ўртасида ҳам ҳурмат қозонган педагог-ўқитувчи эди. Устоз бизга ҳам лотин тилидан дарс берган. Ҳар бир дарсни виждонан ўтарди. Гуруҳимиздаги барча талабалар саволларга тўлиқ жавоб бермагунча, дарсини тугатмас эди. Ҳар кунни 30 та сўзни ёдлашни қатъий вазифа қилиб берарди. Кейин ёдлаган сўзларимизнинг таржимасини сўрарди. Бирортасини билмай қолсангиз борми, ҳатто "0" мазмунда шикоят қилишарди. Шунда профессор С.Орипов ҳатто мен ҳам уч баҳо олганман, деб жавоб берганди.



Леокадия Юриевна кўнглида кири

баҳо ҳам кўярди. Агар дарсимиз тўшдан кейин бўлса, соат 22:00 гача олиб қолиб, ўқитарди. Транспортда қийналиб, аранг уйга етиб олардик. Таржималарни талабаларнинг барчасидан сўрарди. Кунларнинг бирида талабалар томонида ўша пайтдаги ректоримиз Субҳонқул Ориповга ўқитувчимиз бизларга фақат паст баҳо қўяди, деган мазмунда шикоят қилишарди. Шунда профессор С.Орипов ҳатто мен ҳам уч баҳо олганман, деб жавоб берганди.

Леокадия Юриевна кўнглида кири

йўқ инсон эди. Ким яхши жавоб берса, баҳосини қўярди. Бу инсонни нимага эсладим? Чунки Леокадия Зелинская талабчанлик билан дарс ўтиб, қалбида ва миёсида нима бўлса, борини талабаларга бериб кетди. Шунинг учун бир умр устозимдан фахрланиб юраман. У кишидан олган билимларим тўғайли дунёни англадим, тафаккурим ортди.

Бутун умрини талабаларга билим беришга бахшида этган Леокадия Зелинскийнинг порлоқ хотираси доимо қалбимизда. Бизга берган таълим-тарбияси учун устоздан бир умр миннатдоримиз.

**Зайниддин НОРМАН,**  
Ўзбекистон Журналистлар  
юшмаси аъзоси.

РЕКЛАМА, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

### Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги "Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-168-сон қарорига мувофиқ, давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг бўш турган кўчмас мулк объектлари ҳамда улушлари "E-auksion" электрон савдо платформаси орқали сотилиши белгиланган давлат мулки объектлари бўйича

## САВДОЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

T/p	Объект номи	Балансда сақловчи ташкилот номи	Жойлашган манзили	Умумий ер майдони (га.)	Бино ва иншоотларнинг умумий эгаллаган майдони (кв.м.)	Савдоларга чиқарилган бошланғич нархи (сўм)	Савдо санаси	Ариза беришнинг охириги мuddати
1	Бўш турган савдо дўкони биноси	Пайарик тумани ҳокимлиги	Пайарик тумани "Қирқовул" МФЙ	0.0105	71.3	17 639 304.0	01.08.2022 й.	01.08.2022 й.
2	Бўш турган саломатлик маркази биноси	Тойлоқ тумани ҳокимлиги	Тойлоқ тумани "Чароғбон" МФЙ	0.01698	169.4	277 649 000.0	04.08.2022 й.	04.08.2022 й.
3	Ошхона биноси	Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази вилоят ҳудудий бошқармаси	Жомбой тумани "Самарқанд" МФЙ, Тошкент-Самарқанд йўли кўчаси, 126-қўй	0.166	769.34	898 042 000.0	04.08.2022 й.	04.08.2022 й.

#### Аукционда қатнашиш тартиби тўғрисида:

Ушбу объектларни "E-IJRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончаси орқали сотиб олиш Давлат активларини бошқариш агентлиги қошидаги "Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази" ДУКнинг "e-auksion.uz" сайт майдончасида ўтказилиши режалаштирилган. Савдоларда қатнашиш истагида бўлган жисмоний ва юридик шахслар хатлов ва баҳолаш ишлари якунлангандан кейин "e-auksion.uz" сайтида қодалар билан танишган ҳолда рўйхатдан ўтиб, савдо жараёнларида қатнашишлари мумкин.

Рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар давлат хизматлари маркази ёки мажбурий ижро бюросидан электрон рақамли имзо сертификатларини олиши мумкин, юридик шахслар эса мажбурий ижро бюросидан бериладиган электрон рақамли имзо сертификатларини олишлари талаб этилади.

**Аукционда қатнашиш учун ариза бериш:** Рўйхатдан ўтган ва электрон рақамли им-

зога эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар "e-auksion.uz" сайтида яратилган "Шахсий кабинет"лари орқали кириб ўтказилидиган аукционлар рўйхатидан ўзига керакли объектни танлаши ва у ҳақида тегишли маълумотга эга бўлишлари мумкин. Аукцион савдосига қўйилган ҳар бир мол-мулкка тизим ўзига хос такорланмайдиган ЛОТ рақами беради.

Аукцион савдосида қатнашмоқчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар бино ҳақидаги маълумотларга эга бўлиб, шу ерда кўрсатилган банк реквизитларига кўрсатилган закалат маблағини тўлаган (тўлов ҳужжатида аукциондаги ЛОТ рақами кўрсатилиши керак) ҳолда аукцион савдосида қатнашиш учун электрон тарзда ариза беришлари лозим.

Электрон тарзда ариза бериш жараёнида иштирокчи томонидан электрон рақамли имзо билан имзоланган ҳолда ариза юборилади. Ариза электрон тарзда юборилгач, иштирокчининг "Шахсий кабинети"га ариза қабул қилинганлиги ёки қайтарилганлиги тўғрисида жавоб

хабари келади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза бериш сайтда кўрсатилган мuddатда тўхтатилади.

**Аукцион жараёни:** Иштирокчилар томонидан савдода қатнашиш учун ариза берилгандан сўнг, савдо бошлангандан кунда (вақтда) иштирокчилар "e-auksion.uz" сайтида махсус логин ва паролларини терган ҳолда "Шахсий кабинет"га кирилади ва "Кабинет"га ўтилгандан сўнг "Менинг аукционларим" бўлимидан қатнашмоқчи бўлган аукцион танланади.

Шунда дастур томонидан "Иштирок этишни тасдиқлаш" сўралади, иштирок этиш тасдиқлангандан сўнг савдо жараёнида иштирок этиш мумкин бўлади (аукцион савдо ўтказиш кунни соат 9:00 да бошланади).

Аукционда қатнашувчиларга дастур томонидан алоҳида тартиб рақам берилади.

Аукционнинг бошланиши иштирокчилардан ЛОТни бошлангич нархдан битта қадамга оширилган нархда сотиб олиш бўйича таклиф-

ни тасдиқлашни сўрашдан бошланади. Агар, таклиф берилгандан кейин 10 дақиқа давомида аукцион иштирокчилардан бири белгиланган қадамга оширилган ЛОТ нархини тасдиқласа, кейинги таклифни тасдиқлаш учун вақт яна 10 дақиқага узайтирилади.

Агар, тасдиқланган охириги таклифдан сўнг 10 дақиқа давомида кейинги оширилган ЛОТ нархи бўйича таклиф аукцион иштирокчиларининг бирортаси томонидан тасдиқланмаса, савдо аукцион натижалари ҳақидаги баённомани автоматик тарзда шакллантирган ҳолда якунланади. ЛОТ нархи бўйича таклифни охириги тасдиқлаган иштирокчи аукцион қолиби деб топилади. Шундан сўнг иштирокчига қолиблик баённомаси топирилади ёки иштирокчи билан келишган ҳолда почта жўнатмаси орқали юборилади.

Савдолар натижалари бўйича қолиблик баённомаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасига тақдим этилган санадан бошлаб 10 кундан

кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Аукционда иштирок этгандан сўнг қолиб бўлмаган иштирокчиларга закалат пулларини қайтариш иштирокчиларнинг электрон тарзда берган аризаларига асосан кўрсатилган ҳисоб рақамга қайтариб берилади ёки кейинги савдоларда қатнашиш учун ўтказилиши мумкин.

**Қўшимча маълумотларни олиш учун манзил:** Самарқанд шаҳри Камол Отатурк кўчаси, 21-уй. Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси давлат активларини сотишга тайёрлаш ва сотиш ишларини мувофиқлаштириш бўлими.

**Маълумот учун телефонлар:** 66-233-73-54, 91-537-32-12  
**Факс:** 66-233-73-54

**"Facebook"даги расмий саҳифа:** Sam Dav Aktiv

**Веб-саҳифа:** privatization.davaktivt.uz  
**Интернет тармоғидаги веб-сайт:** samarqand@davaktivt.uz

# ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!



**Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Ургут филиали 2022-2023 ўқув йили учун бакалавриятнинг кундузги шакли бўйича қуйидаги таълим йўналишларига ўқишга таклиф этади:**

T/p	Шифр	Таълим йўналишлари	Жами	Давлат гранти		Тўлов-контракт			
				Жами	Шу жумладан		Жами	Шу жумладан	
					Ўзбек	Рус		Ўзбек	Рус
1	60110200	Мактабгача таълим	50	15	15	35	35		
2	60110500	Бошланғич таълим	50	15	15	35	35		
3	60110600	Математика ва информатика	25	5	5	20	20		
4	60110800	Кимё	25	5	5	20	20		
5	60110900	Биология	25	5	5	20	20		
6	60110400	Ўзбек тили ва адабиёти	50	15	15	35	35		
7	60111701	Ўзга тилли гуруҳларда рус тили	25	5	5	20	20		
8	60111701	Хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили	50	10	10	40	40		
9	60410100	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	25	5	5	20	20		
10	60410500	Банк иши ва аудит	25	5	5	20	20		
11	60411300	Бизнесни бошқариш (тармоқлар бўйича)	25	5	5	20	20		
12	60410200	Ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	25	5	5	20	20		

Абитуриентларни рўйхатга олиш Давлат тест марказининг **my.dtm.uz** сайти ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали (**my.gov.uz**) орқали онлайн амалга оширилади. Рўйхатга олиш **20 июлга қадар (20 июль кунни ҳам)** давом этади ва абитуриентлар 20 июлга қадар ўз маълумотларини ўзгартиришлари ҳамда чет тилидан миллий ёки халқаро сертификатга эга бўладиган бўлса, сертификат маълумотларини киритишлари мумкин бўлади.

**МАНЗИЛИМИЗ: Ургут тумани "Вағашти" МФЙ, 13-уй. Мурожаат учун телефон: +99890-212-80-67.**

#### ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Пайарик туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Муҳаммадиев Фарход Жўрақулович нотариал идорасида марҳум Очилова Лола Юсуповнага (2018 йил 29 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Муҳаммадиев Фарход Жўрақулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайарик тумани Челек шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 76-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Хайдарова Зорога (2007 йил 14 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улугбек кўчаси, 80-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Туракулова Саёра Джуракуловнага (2021 йил 31 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улугбек кўчаси, 80-уй.**

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Абдураимов Абдужалил (2021 йил 26 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Бахриев Улугбек Насриддинович нотариал идорасида марҳум Худоярова Ширин Касим-Алимовнага (2021 йил 22 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Бахриев Улугбек Насриддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Гарм кўчаси, 1-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Хайдарова Зорога (2020 йил 30 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улугбек кўчаси, 80-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Холиков Акбаралига (2021 йил

22 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улугбек кўчаси, 80-уй.**

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўрақуловна нотариал идорасида марҳум Абдувалиев Зейнитдинга (2004 йил 10 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўрақуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Жомбой тумани Тошкент кўчаси, туман давлат хизматлари маркази биносиди.**

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Шомуродов Анвар Салимович нотариал идорасида марҳум Муратов Равшан Хамроевичга (2019 йил 10 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Шомуродов Анвар Салимович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд тумани Урташиқ маҳалласи.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Нуркосимов Рашиддин Сайфиддинович нотариал идорасида марҳум Чулпанов Идлом Исмоловичга (2021 йил 21 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нуркосимов Рашиддин Сайфиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 80-уй.**

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти Нукус филиалидан 2014 йилда Хужанова Ноилахон Зиядуллаевна номига берилган В № 749786 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактабидан 2001 йилда Каримова Севара Улашевна номига берилган O'R-Z № 1080568 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактабидан 2001 йилда Каримова Севара Улашевна номига берилган O'R-Z № 1080568 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ педагогика коллежидан 2010 йилда Норматамова Лобар Шокиржоновна номига берилган К № 1708277 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

1-Самарқанд педагогика коллежидан 2008 йилда Исмоилова Клара Уткировна номига берилган рўйхат рақами 621, К № 844257 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Челек транспорт касб-хўнара коллежидан 2013 йилда Тўйчиев Иномжон Уткирович номига берилган рўйхат рақами 2178, К № 2953244 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтидан 2012 йилда Хасанов Соҳибжон Абдуҳалим угли номига берилган рўйхат рақами 471, В № 618501 рақамли диплом яроқсиз ҳолга келганлиги сабабли бекор қилинади.

Челек транспорт касб-хўнара коллежидан 2019 йилда Раҳмонов Улугбек Ғайрат ўғли номига берилган рўйхат рақами 4540, К № 5557326 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилояти юридик коллежидан 2020 йилда Амиров Олимжон Насимжон ўғли номига берилган рўйхат рақами 423, К № 5122804 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут қурилиш ва миллий хўнарамандчилик касб-хўнара коллежидан 2008 йилда Аҳмедова Маҳзун Миралиевна номига берилган рўйхат рақами 92, К № 860451 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат чет тиллар интитути академик лицейидан 2020 йилда Элмуродова Шаҳзода Акбар кизи номига берилган рўйхат рақами 162, Л № 0019927 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Фуқаро Муродов Олим Бахроновичга қарашли Самарқанд тумани Юқорий Қайнама (хозирда Найман) маҳалласида жойлашган уй-жой учун берилган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Жомбой қишлоқ хўжалик касб-хўнара коллежидан 2020 йилда Ғиёсов Захриддин Фазлиддин ўғли номига берилган рўйхат рақами 78, К № 5898547 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қўшрабат тумани Жўш қишлоқ хўжалик касб-хўнара коллежидан 2011 йилда Турсунқулов Жавлонбек Нарзулла ўғли номига берилган рўйхат рақами 64, К № 2083826 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд педагогика коллежидан 2016 йилда Раббимова Юлдуз Саъдулла кизи номига берилган рўйхат рақами 68, К № 4266569 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**Тарихдан маълумки, қайси ҳукмдор тову тахтни мерос йўли билан эмас, ўз саъй-ҳаракати, жасурлиги, шижоати билан эгаллаган бўлса, унинг фаолиятига алоҳида қизиқиш билан қаралган. Амир Темур айнан шундай ҳукмдорлар сирасига қиради. Оддий бекнинг ўғли бўлган Темур ўз шижоати билан Мовароуннаҳр тахтини кўлга киритиб, 36 йил ҳукмдорлик қилди.**

# ЎЗБЕКИСТОНДА АМИР ТЕМУР УНИВЕРСИТЕТИ БОРМИ?



ришмасидан қўйилган ажойиб дарвозани Эроннинг Машҳад шаҳрида ўзи учун қурилатган макбарга қўйиб учин олиб кетади. Орадан озгина вақт ўтиб, Нодиршоҳ Амир Темур ҳақида Қуръон тиловат қилиб, бу икки ноёб буюмни Самарқандга элтиб, ўз жойига қайта ўрнатишни буюради. Ривоятларга қараганда, бу икки ноёб буюм – моҳтоб ва дарвоза Машҳадга етиб борган, у ерда қаттиқ зилзила бўлади. Бошқа бир ривоятда айтилишича, Нодиршоҳнинг суюкли қизи оғир касал бўлиб қолади. Мунажжимлар Нодиршоҳга "Сиз Амир Темурнинг руҳини безовта қилгансиз, шу сабабли қизингиз касал бўлган", деган. Нима бўлганда ҳам Нодиршоҳ ўзининг номаъқул ишидан пушаймон бўлиб, моҳтоб ва дарвозани Самарқандга қайтарган. Амир Темур келгуси авлодлари унинг қабрини кўз қорачигидай асраб-авайлашлариға қаттиқ ишонган. Афсуски, тарих ҳукми бошқача бўлди. 1941 йилда Амир Темур қабри очилиб, руҳи безовта қилинди.

Темурийлар хилхонаси очилганидан сўнг яна бир аянчли ҳақиқат аён бўлди. Барча қабрларнинг тағида лойқа бор, арчадан ясалган тобултур ва улари ичидаги жасадлар мумийланган бўлишиға қарамай, чириган. Тарихдан маълумки, макбарга сув шу атрафда қазилган ариқдан тошиб кирган. Аникроғи, XIX асрнинг 80-йилларида Оқ подшо амалдорлари гўёки боғ қилиш учун бошқа ер қуриб қолгандай, макбара атрафида боғ барпо қилдирган. Уша даврларда макбарани икки марта сув босган...

Утган йили Самарқанд давлат университети ректори Руслан Холмуродов раҳбарлигида бир гуруҳ самарқандлик олимлар Туркиянинг Анкара шаҳрига, Ўзбекистон тарихи, маданияти ва илм-фанига бағишланган халқаро конференцияга бордик. Конференция Йилдирим Боязид университетида бўлиб ўтди. Конференцияда ўзбек ва турк олимлари Ўзбекистон тарихи, санъати ва маданияти, жумладан, Амир Темур ва темурийлар даври ҳақида илмий маърузалар қилди. Конференциядан сўнг мезбонлар бизни Анкара шаҳридан 40 километр нарида жойлашган Чубек туманига олиб берди. У ерда 1402 йилда Амир Темур ва Йилдирим Боязид қўшинлари ўртасида жанг бўлган. Ушбу майдон теп-текис бўлиб, атрофи бир оз баландроқ тепалик билан ўралган. Чубек туманининг марказида мўъжазгина музей барпо қилинган. Музейда Амир Темур билан Боязид ўртасидаги жангга бағишланган макет ҳам қўйилган.

Бизни Чубек тумани ҳокими қабул қилди. Ҳоким жаноблари "Бу кўнжа тарихда нималар бўлмаган дейсиз. Бир вақтлар икки турк ҳукмдори бир бири билан жанг қилган. Бугун Чубекда шу икки ҳукмдорнинг авлодлари учрашиб турибди. Улар ўзаро дўстликни янада мустаҳкамлаш учун йиғилган. Келинлар, мана шу тарихий майдонда дўстлик боғини барпо қилайлик", деди. Шундан кейин Чубек майдонида ўзбек ва турк олимлари дарахт экидлар. Туркия ва Янги Ўзбекистон дўстлик боғига асос солинди. Бу боғ халқларимиз ўртасидаги дўстликнинг янада барқарор бўлишиға хизмат қилади.

Турк дўстларимиз "Қўрдиларинг, Анкарада Йилдирим Боязид университети бор, Ўзбекистонда Амир Темур университети борми?" деб сўради. Биз бир оз тараддувланиб, Аллоҳ насиб этса бўлади, дедик. Дарҳақиқат, кишини ўйлантирадиган савол эди. Мағлуб ҳукмдор университети бор, голиб ҳукмдор университети йўқ.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 21 апрелда Қашқадарём вилоятиға ташириш давомида улугъ жаддорларим меросини ўрганиш ҳақида гапириб, бундай деди: "Биз нима учун Амир Темур бобомизнинг мудофиа меросини илмий асослар билан ўрганмаймиз?"

Соҳибқироннинг Тўхтамышон билан жангини ўқиб чиқдим. Буюк саркардамиз қандай ғалаба қозонгани менга жуда қизиқ эди. Тўхтамыш ҳам осонликча ютқазмаган экан. Бунда Амир Темур бобомизнинг юксак ҳарбий тактика ва стратегияси, доврақалиги иш берган. Ўзимга ҳам ёзиб олдим, Амир Темур бобомиз жангда 7 та усулни

қўллаган экан. Тўхтамышон ҳам оддий рақиб бўлмаган, жуда катта ва мохир қўшини бўлган. Бу жанг тактикасини ўрганимиз ва мутасаддилардан сўрадим: Кимдир биздан мана шу жанглардаги стратегияни ўрганганми? Йўқ, ўрганмаган.

Ҳаммасига топшириқ бердим – биз биринчи навбатда, ўзимизнинг боболаримиз тарихини ўрганишимиз керак. Демак, мамлакатимизда Амир Темур университети, Амир Темур номидаги университет эмас, айнан Амир Темур университети ташкил қилинса, айни мудофиа бўларди. Бу илм даргоҳида Амир Темур ва темурийларнинг кенг камровли фаолияти, илм-фан, адабиёт ва санъат, маданият ва маънавияти, фалсафа ва ҳарбий санъатни ривожлантириш борасидаги буюк хизматлари ҳар томонлама ўрганилса, нур устига нур бўларди.

Буюк давлат арбобларининг тақдирини уларнинг Ватани тақдирини билан чамбарчас боғлиқ. Агар уларнинг Ватани озод бўлса, бу ўтган давлат арбобларининг сиймосида ҳам ижобий ҳолат юз беради. Буюкларнинг Ватани мустақлаққа айланган қолган бўлса, босқинчилар уларнинг номини халқнинг едидан ўчириш чораларини кўради. Амир Темур Ватани мустақлаққа айланган даврларда ул эзоҳ ҳақида бирор-бир ижобий гап айтишининг илмий йўқ эди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг Амир Темур кадр-қиммати тикланди, буюк хизматлари эътироф қилинди.

Амир Темурнинг пок номини, қадрини тиклаш осон кечгани йўқ. Компартия тарбиялаган айрим ўзбек зиёлилари ҳам Амир Темурнинг номи тиклинишини хоҳламаз эди. Бир мисол, ўтган асрнинг 90-йилларида мен Самарқанд вилояти топонимик комиссияси аъзоси эдим. Биз комиссия аъзоларига Амир Темурнинг буюк хизматлари қайта-қайта тушунтириб, Самарқанднинг Фрунзе кўчасини Амир Темур кўчаси деб ўзгартиришға муваффақ бўлдик.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, вилоят топонимик комиссиясига "Биз қонхўр Амир Темур номидаги кўчада яшамаймиз, аввалги Фрунзе номини қайтаринг", деган мазмунда хатлар ёғилди. Бу хатларни айрим кимсалар атайлаб уюштираётгани аниқ эди.

Вилоят топонимик комиссияси раиси бизни хонасига чақириб, "Нега одамларнинг тинчини бузаяпсизлар, нега Фрунзе кўчасини Амир Темур кўчаси, деб ўзгартиришға журъат қилдиларинг?", деб ўшқирди. Шундай қуналарда Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг "Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Бизға ўшқирган ўша раҳбар Амир Темурга бағишланган тадбирларда елиб-юғуриб хизмат қилди.

Тарихдан маълумки, Амир Темур Самарқандни ўз салтанатининг пойтахти этиб танлагач, 1371-1373 йилларда шаҳар атрофини мустаҳкам мудофиа девори билан ўраган. Шаҳарнинг ғарб томонидаги баланд жойда Арки аълога асос солган. Уттиз тўрт гектарлик майдоннинг ичида Кўксарой ва Бўстонсарой каби икки ҳашаматли сарой, зодагонлар учун тураржойлар, хунарманлар устакхоналари, йирик ҳазимон қурилган. Арки ичида бир неча ҳовузлар қазилган, ҳар хил мевали ва манзарали дарахтлар, гуллар экилган. Арки ичиға тоза ичимлик суви махсус қувурлар орқали киритилган, оқова сувлар ҳам сопол қувурлар орқали ташқарига чиқарилган. Аркиннинг ичиға жанубий ва шарқий дарвозалар орқали кирилган. Аркиннинг мустаҳкам мудофиа деворлари ортидан чуқур хандақ ҳам қазилган. Шу тўғрисида Арки мустаҳкам қалъа ҳисобланган. Тўрт қаватли Кўксаройда Амир Темурнинг тахти, кутубхонаси ва хазинаси сақланган. Аркиннинг ичида Шайх Нуриддин Басир, Фахр ул ислом Али Поздавий, Шайх Абдурахмон ибн ал-Авф каби азиз-авлиёларнинг қабрлари бўлган. 1812 йилда Бухоро амирини Ҳайдар Арки ичиға ҳашаматли Олий мадраса қурдирган. Оқ подшо аскарлари 1868

йилнинг май ойида Самарқандни истило қилиб, Амир Темурнинг Аркиға кириб жойлашади. Оқ подшо генераллари бу ердаги азиз-авлиёларнинг қабрларини портлатиб юборади. Арки аъло аввал Оқ подшо, сўнгра қизиллар қўшини истиқомат қиладиган ҳарбий қисмға айланган. Ҳозир Самарқандга келган бирон сайёҳ "Амир Темур шундай улкан давлатни қаердан туриб бошқарган?" деб сўраса, унча-мунча одам мана шу ердан, деб Арки аълонинг ўрнини кўрсатиб бера олмади. Негаки, бу ерда Амир Темурнинг Аркидан ном-нишон қолмаган.

Фикримча, бу ерда кенг қўламли археологик қазималар олиб борилиши лозим. Бир пайтлар Амир Темур Арки атрофиға барпо қилдирган мудофиа деворини қайта тиклаш керак. Амир Темур даври меъморлари "Юксак иморатлар барпо қилиш учун чуқур пойдевор қазмоқ лозим", деган тамойил асосида Кўксарой ва Бўстонсаройни бунёд қилган. Агар бу ерда қазималар олиб борилса, ҳар икки саройнинг сақланган пойдеворлари топилади. Шунда Амир Темур барпо қилган Арки аълонинг тарихий қиёфасидан, озгина бўлса-да, хабардор бўламиз ва бошқаларға ҳам кўрсатиш имконияти юзага келади.

Мамлакатимизнинг тарихий шаҳарлари билан боғлиқ яна бир муаммо борки, бунга алоҳида тўхталмоқ лозим. Бу сайёҳларға юртимизнинг бой тарихи, халқимизнинг миллий анъана ва маросимлари ҳақида сўзлаб берадиган гид-экскурсоводлар масаласидир. Тўғри, саводли, фидойи, ватанпарвар, ўз касбининг мохирлари бўлган гидлар кўп. Аммо сайёҳларға тўлақонли маълумот беришға қодир бўлмаганлари ҳам кам эмас. Бу муаммо тўғрисида кўп гапирилади, турли режалар қилинади, аммо ҳали натижаги кўнаворани, деб бўлмайди. Биз билан узоқ йиллар археология соҳасида ҳамкорлик қилган, Шарқ халқлари тарихини чуқур биладиган, юртимизға совет даврида ҳам бир неча марта келган италиялик профессор Маурицио Този бир кунни куюниб гапириб қолди.

– Мен Ўзбекистонға жуда кўп келганман, – деди у. – Аммо саводли гидни кам учратдим. Улар аллақандай чўпчаларни айтишади. Мен-ку, Ўзбекистон тарихини сал-пал биламан. Аммо Ўзбекистон тарихидан бутунлай бехабар хорижлик сайёҳлар фақат чўпчак эшитиб кетмоқда. Бундай ҳолатни зудлик билан ўнглаш керак. Мехмоннинг эътирофи тўғри эди.

Парижға халқаро илмий конференцияға борганимизда бизни машҳур француз археолог, профессор Франц Грене Лувр музейиға олиб борди. Томоша тугаб мехмонхонаға қайтаётганимизда Ф.Грене бир гапни айтиди: "Лувр музейиға илмий ходим ёки гид бўлиб ишға кириш нузур турсин, оддий фаррош бўлиб ишға кириш ҳам нуфузли вазирликдаги масъул лавозимни эгаллашдан мушкулроқ".

Бизда бу соҳадаги аҳвол кишини хурсанд қиладиган даражада, деб бўлмайди. Гид-экскурсовод лавозимига фидойи, ватанпарвар, чўнтагини эмас, элу юртининг ору номини, шаънини ўйлайдиган кишилар қўйилса, мақсадға мувофиқ бўлар эди.

1991 йилнинг май ойида ЮНЕСКО томонидан уюштирилган халқаро "Буюк ипақ йўли – мулоқотлар йўли" номи экспедицияда иштирок этганман. Марказий Осиёнинг беш давлати ҳудудларини босиб ўтган экспедиция жуда фойдалоғчи ва қизиқарли бўлган эди. Экспедициянинг сафари Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида яқунланди. Ушанда мен машҳур қозоқ археолог, Иссик қўрғондан "Олтин одам" жасадини толган Кемал оға Акишев билан учрашган эдим. Оқсоқол ўткир нигоҳини менға қадаб, "Ўзбекмисан?", деб сўради. Мен "ха" дедим.

– Болам, сенға бир ўтинчим бор, яхшилаб эшит, – деди. – Кўриб турибсан, кексайиб қолдим. Мен Утродда анча йиллар ишладим. Ҳоким Бердибекнинг саройини топишға эриша олмадим. Биласан, у ерда 1405 йилда Амир Темур вафот этган. Ўзбек ва қозоқ археологлари ҳамкорликда Уттор шахри қатламларида Бердибекнинг саройи қолдиқларини топинлар ва Амир Темур хотирасига ёдгорлик ўрнатинлар. Амир Темур нафақат ўзбек халқи, балки қозоқ халқининг тараққийотида ҳам катта ишлар қилган.

Уша воқеадан бери 30 йилдан зиёд вақт ўтди. Не-не сувлар оқиб кетди. К.Акишев ҳам бу дунёни тарк этди. Қозоқ археологлари шу йиллар мобайнида Уттор шахрининг маданий қатламларида Бердибек саройи қолдиқларини топди. Агар донишманд К.Акишевнинг васияти амалға оширилиб, Уттор шахрида Амир Темур хотирасига ёдгорлик ўрнатилса, ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашға хизмат қилар эди.

Тарихий манбаларда ёзилишича, Амир Темур Самарқанддан чиқиб сафарға йўл олганда, пойтахт аҳолиси Соҳибқирон кетган томонға оёқ узатмас, орқа ўғирмас экан. Биз буни ҳеч қачон едимиздан чиқармаслигимиз, буюк бобомизға ҳаммаша эҳтиромда бўлишимиз керак.

**Амридин БЕРДИМУРОДОВ, Яхё Ғуломов номидаги Археология институтининг етакчи илмий ходими, тарих фанлари номзоди, Париждаги Темурийлар тарихи ассоциацияси вице-президенти.** ("Гулистон" журналидан).

**Жорий йилнинг ўтган даврида вилояти-мизда 82 та маҳалла фуқаролар йиғини биноси фойдаланиш-ға топширилди.**

## БЕШКУВИДА ҚУШАЛОҚ БАЙРАМ



Булунгур туманидаги "Янгиарик" ва "Бешкуви" маҳалла фуқаролар йиғини биноларининг очилиш маросимларида вилоят маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи, туман ҳокими, маҳалла фаоллари, нуруний отахону онахонлар ва ёшлар иштирок этиб, бу ердаги қўлайликлар билан танишди.

Ушбу маҳалла туман марказидан 15 километр узоқликда жойлашган. Шу кун-ғанда аҳоли тиббий хизматдан фойдаланиш учун 8 километр йўл босиб, энг яқин ҳисобланган қишлоқ шифокорлик пунктиға борар эди.



– Ўзим ва турмуш ўртоғим соғлиғимиздаги муаммолар сабаб, туман марказидаги шифохоналарға кўп борамиз, – дейди Раҳима Сулаймонова. – Маҳаллаимизда тиббий пункт очилиб, узоғимиз яқин бўлди. Бу ерда доимий шифокор кўриғидими.

Фойдаланишға топширилган маҳалла биноларида маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ва про-филантика инспектори учун зарур шароитлар яратилган.

– Маҳалла биноси бор эди, аммо жуда эски, яроқсиз аҳволға келиб қолганди, – дейди маҳалла фаоли Шароф Холбеков. – Фойдаланишға топширилган янги бинода марказ ходимларининг самарали ишлаши учун ҳам, мурожаат билан келувчиларға ҳам барча имкониятлар яратилган.

Шу кунни туманнинг Янгиарик маҳалласи маркази биноси ҳам фойдаланишға топширилди.

**MATBUOT UYI**  
**Zarafshon**  
С АМАРҚАНДСКИЙ  
В ЕСТНИК

**MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi**  
**Bosh muharrir: Farmon TOSHEV**  
Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 16 494 nusxada chop etildi. Buyurtma 443. Hajmi 2 bosma toboq, bichimi A-2  
**Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**  
**QABULXONA:** (66) 233-91-51, **REKLAMA VA E'LONLAR:** (66) 233-91-56  
**BO'LIMLAR:** (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61  
**MANZILIMIZ:** 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.  
«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.  
**Korxonа manzili:** Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.  
Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.  
Bosishga topshirildi: soat 19:00

**Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV.**  
**Navbatchi: O'.XUDOYBERDIYEV.**  
**Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.**

ISSN-201667X  
9 1772010667009  
Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling  
Sotuvda narxi kelishilgan holda